

Сийрат дарслари (83-дарс). Жума кунининг фазилати



13:30 / 01.05.2020 4997

356. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума кунини зикр қилдилар ва: **«Унда бир соат бор, қай бир мусулмон банда ўша соатда туриб намоз ўқисаю Аллоҳдан бирор нарса сўраган ҳолида тўғри келса, албатта, У зот унга ўшани бергайдир»**, дедилар ва қўллари билан ўша(соат)нинг озлигини кўрсатдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

357. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида уларнинг ўйин-кулги қиладиган икки кунлари бор эди. **«Бу иккиси қандай кун?»** деб сўрадилар. «Жоҳилиятда ўйин-кулги қиладиган кунимиз эди», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ сизларга у иккисининг ўрнига улардан кўра яхши Азҳо куни ва Фитр кунини берди»**, дедилар».

Абу Довуд, Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан